

Лирик тур ва унинг жанрлари, одатда, монологик нуткка курилади, деб келинади. Диалогнинг янги кирраларини кашф этган Михаил Бахтин ҳам очик ва ички мулоқотлар, асосан, насрий асарларга хослигини таъкидлаб, поэзия монологик нуткка бино килинишини айтади. Материалистик дунёкарашидан келиб чикиб, “факат афсонавий Одам Атогина мулоқотдан четда”, деб ўйлаган ва башар фарзандларининг қолган барчасини мулоқот доирасида фикрлаши, диалогга киришини кўра олган олим негадир назм дурларини бу ҳудудга киритишни истамайди. Бунинг муайян сабаблари бор. Улардан бири, поэзиядаги лирик хиссиёт субъективлик салтанатида чекланади, деган тўхтамга келинганидир. Шарк мумтоз назмида эса, аҳвол бутунлай ўзгача. Шайх Абдулқодир Жузжоний “Далойил ул-иъжоз” китобида назмдаги нутк насрдагидан қолишмаслигини, хатто назмий нуткда имконият кўпроқ эканини айтади. Шарк ижодқори ижодий тахайюлни аксар ҳолларда назмда ифодалаган. “Балогат илми” олимларининг фикрича, бундай ифода шакли Куръон назмига бориб такалади. Алишер Навоийнинг “Бўлмаса иъжоз мақомида назм, Бўлмас эди Тенгри каломида назм” байти ҳам буни тасдиқлайди.

“Назм» тартибга келтириш, “наsr” эса сочилган маъносида келади. Сўзни тартибга келтириб, чиройли ифодалаш, факат субъективлик салтанатида, субъектив ходиса сифатида рўй беради, деган фикр воқеликни, хусусан, шарк бадиий тафаккурини тўғри акс эттирмайди. Эҳтимол, Бахтиннинг Шарк бадиий тафаккур тарзи билан таниш эмаслиги, ҳозирда “Мумтоз поэтика” деб аталаётган “Балогат илми”дан хабарсизлиги, бу мавзуда бирёклама фикрлашига ва ўзи кашф этган диалог назариясидан поэзияни чиқариб ташлашига сабаб бўлгандир.

Юсуф Сакокийнинг “Мифтоҳ ул-улум”, Абдурахмон Қазвинийнинг “Талхис ул-мифтоҳ” асарларига шарҳ ёзган Саъдиддин Тафтазоний “Мухтасар ул-маъоний” китобида балогат илмининг биринчи қисми ҳисобланмиш “Илм ул- маъоний” бобида, муктазои ҳол шарҳида, мутақаллим (сўзловчи) айтган ҳар қандай гапда ҳукм борлигини таъкидлаб, мухотаб (тингловчи) бу гапдаги ҳукмни тасдиқлайди ёки инкор этади; хайратланади ёки тушунмайди; мухотабнинг бундай муносабатига қараб иккинчи гап айтилади, дейди. Биринчи гап – ибтидоий ёки биринчи хабар, иккинчи гап — таъкидловчи, учинчи гап эса инкорий, деб аталади. Мутақаллим лафзида бу ҳукмлар бир асар доирасида узлуксиз такрорланишда давом этади. Лекин мутақаллим ўзига ўзи гапирмоқда, деб эътибор қилинмайди. Мутақаллимнинг сўзи ҳамиша қимгадир — бировга қаратилгани билан бирга, ўша бировнинг муносабатини ҳам назардан қочирмайди. Таъкидлар, инкорлар шунинг учун керак. Биров муносабати биз қўриб турган матндан ташқарида, бадиий асар воқелигида мавжуд. Лекин мухотабнинг муносабати бир қарашда илганмайди. Айтилаётган қалом, факат мутақаллимнинг бир томонлама монологик нутқи, деган таассурот уйғотади. Эътибор бериб қаралса, муайян матнда мухотабнинг, яъни биров сўзларининг сояси ётади. Бундай ходисани Бахтин насрий асарларга, хусусан, романга хослайди. Бизнингча, Алишер Навоий газаллари ҳам ана шундай ички диалогик муносабатларга қурилган.

Газал Шарк адабиётида қарийб минг йил давомида энг эътиборли жанр саналиб келди. Жонли сўз, жонли мулоқот газал воситасида бадиий сўзга айланди. Хаётда жонли сўзгина яшовчан. Жонли сўз эса монологик қурук, бирёклама нуткда эмас, жонли диалогда яшайди. Жонли мулоқот иплари жамият аъзосининг ҳар бирига, бу орқали эса,

катта замонга уланади. Сўзни ўта хассос тушунувчи шарк ижодкори мулокот шакллари билмаган, дейиш соддаликдан бошка нарса эмас. Абдурахмон Казвинийнинг “Талхис ул-мифтох” китобида, каломни муктазои зохирга (ташки диалогга) чиқариш, муктазои холга (ички диалогга) тушуриш холатлари хақида муфассал маълумот берилган ва Куръони каримдан ҳамда араб шеъриятдан баъзи мисоллар келтирилган. Муктазои хол тушунчасини биз ички диалогга тенглаштирдик. Аслида, муктазои хол анча кенг ходиса. Ички диалог унинг бир қирраси, холос. Холат тақозоси мақомларни ҳам ўз ичига олган холда мақом ва замонни ҳам қамраб олади. Балогат илмининг объекти саналган бу тушунчаларни Навоий жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам газалларидан бирида бундай ёзади:

Банд этибдур жадал ахли ишин ашкол андоқ  
Ким, не “Мифтох” анга суд қилур, не “Талхис”.

Навоий “Мифтох” деганда, биз юқорида айтиб ўтган Абу Яъқуб Юсуф Сакокийнинг машхур “Мифтох ул-улум” асарини, “Талхис” деганда эса, “Мифтох ул-улум”нинг учинчи қисми ҳисобланган “Балогат илми”ни алоҳида ажратиб олиб шарҳлаган, баъзи ўринларда Сакокий билан баҳсга қиришган Абдурахмон Казвинийнинг “Талхис ул-мифтох” китобини назарда тутди. Алишер Навоийнинг қуйидаги газалини шундан келиб чиқиб шарҳлашга ҳаракат қиламиз:

Эй қўнгил ер қўқ асосин асру бевунёд бил,  
Ул кесакни сувда қўр, бу сафхани барбод бил.

Биринчи хабар хайратланарлиги, қутилмаганлиги билан мухотабни ўзига жалб эта билмоғи керак. Бунда мақом қанчалик юксак бўлса, тингловчининг ақли шошади. Сўзлар қанчалик гўзал терилмасин, уларда тингловчи учун янги хабар топилмаса, чуқур мазмун баён этилмаса, мухотабда қутилган қизиқиш уйғотмайди. Шоир бадий тахайюли тақдим этаётган саккиз тарафи чексиз мақонда, чексиз замон ва шу замоннинг жуда қиска бир лаҳзасида бутун моҳият жилваланади. Тингловчи тийиксиз саволлар гирдобидида қолади. Бунда газал вокелигидаги бор деб эътибор қилинадиган мухотабни айнан тингловчи дейиш у қадар тўғри эмас. Шунинг учун, шоирнинг лирик қахрамони мулокотга қиришаётган мухотабни газал вокелигидаги биров деб олиш масалани анча ойдинлаштиради. Лирик қахрамон билан газал вокелигидаги биров ўртасидаги муктазои хол даражаси қанча баланд бўлса, шунга мувофиқ мақом ҳам юксалади. Мақом қанчалик юксак бўлса, муктазои хол ҳам шунга муносиб тарзда кечади. Бу ўринда мақом жуда юксак. Ҳеч иккиланмасдан иъжоз мақомида, дейиш мумкин. Биринчи хабарда айтилган ҳукм, газал вокелигида бор деб эътибор қилинган бировда турли холатларни вужудга келтириши эҳтимолдан холи эмас. Биров айтилган гапни тушуниши ёки тушунмаслиги, хайратланиши ё хайратланмаслиги мумкин. Лирик қахрамоннинг газал матнида қўринмайдиган, аслида газал вокелигида мавжуд бўлган бировга қарата айтган гапи ўша бировда жим турмасликни тақозо этади. У қандайдир муносабат билдиради. Бу муносабат қандай шаклда юз бергани газал матнида қўринмайди, лекин газал вокелигида бор, деб эътибор қилинади. Бу муносабатга жавоб сифатида иккинчи жумла юзага келади. Бу ўринда, бир байт ичида кечувчи, байтлар орасида содир бўлувчи ҳамда бутун газал давомида юзага келувчи мулокотлар хақида эслаб ўтиш жоиз. Баъзан

мазмун тугаллиги эътибори билан бир байт ичида мулоқот юз бермаслиги ҳам мумкин. Лекин юкоридаги байтнинг биринчи мисрасиёк бировда муайян савол тугдириб улгурган. Шунинг учун иккинчи мисра, маълум маънода, бировнинг саволига жавоб тарзида келади. “Ул кесакни сувда кўр, бул сафхани барбод бил”. “Эй кўнгил” бу ўринда, факат шоирнинг ўзига қилган нидоси деб олинса, у қадар тўғри эмас. Тасаввуфда қалб ҳақида гап кетар экан, нафсоний тушунчадан юксакда турувчи қалб тушунчаси нафсини енгиб, кўнгил билан яшаётган кишига нисбатан ишлатилади. Шу боис “Эй кўнгил”дан мурод – Эй кўнгил кишиси. “...асру бевунёд”лик бировда савол тугдирар экан, айна пайтда, маълум хабардорлик ҳам пайдо этади. Навоий газалларидаги мутақаллимнинг, яъни лирик қахрамоннинг мақоми жуда юксак. Мухотабнинг, яъни бировнинг ҳолат тақозоси ҳам шунга муносиб тарзда. Зеро, муқтазои ҳол мутақаллимни баланд мақомда сўзлашга чорламоғи шарт. Биринчи мисра – ибтидоий хабар газал воқелигидаги бировда муайян туйғулар пайдо этар экан, ўз туйғулари ифодаси ўлароқ хабарга муносабат билдиради. Муносабат, ақсар ҳолларда ибтидоий хабарга нисбатан тушунмаслик шаклида мавжуд, деб эътибор қилинади. Тушунмаслик мутақаллимда ҳолат тақозосига қараб янги жумлани айтишга йўл очади. Бундай ифода шакллари араб тилида турли таъкид воқитлари ёрдамида амалга оширилади. Ўзбек тилида эса, таъкидлар кўпроқ жумладаги сўзлар ўрнини алмаштириш орқали юзага чиқади. Шунинг учун газалдаги, умуман, шеърдаги кўтаринкилик, қуймалик бу таъкидлар мавжудлигини, нутқнинг бировга қаратилганлигини сездирмайди. Ер-кўк асосининг аслида бевунёдлиги газал воқелигидаги бировда тушунмаслик пайдо этганини билган мутақаллим “Ул кесакни сувда кўр, бул сафхани барбод бил”, деб таъкидловчи иккинчи хабарни айтади. Ер – замин мисоли бир сувга тушган кесакдек, кўк – осмон ҳудди барбод бўлувчи, йўқлик сари кетувчи, йиртилиб-титилиб кетадиган бир саҳифа қаби. Фано мақомида турган мутақаллимнинг бундай қутилмаган хабари газал воқелигидаги бировда яна муносабат пайдо этади. Бу муносабат энди тушунмаслик мақомида эмас, балки муқтазои ҳолга қараб ўзгачароқ кечиши мумкин. Байт ўз-ўзича муқаммал, ундан ҳеч нарса олиб ҳам, қўшиб ҳам бўлмайди. Фикр ҳам гўё тугагандек, лекин шарҳи ҳол энди бошланди. Биринчи байт, ақсар ҳолларда Навоий газалларида тезис шаклида келади. Кейинги байтлар бу тезисни бирма-бир ечиб боради. Қуруқ, жонсиз монологик нутқда бу тезис жавоблари ҳам бизнинг ҳисларимизга таъсир этмайдиган жонсиз бўлиб қолади. Газал воқелигида рўй бераётган жонли мулоқот эса, тингловчига таъсир этади ва газалнинг яшовчанлигини таъминлайди. Жонли мулоқот, жонли сўзгина яшовчан. Жонли сўз, қалб мушоҳадасидан ўтказилиб, кейин воқеликка айланади. Сўз қалбдан – кўнгилдан чиқмаётган экан, жонсиз, маънисиз товушлар силсиласига тушиб йўқлик сари гойиб бўлади. Шунинг учун ҳам кейинги:

Жисм уйи чунқим эрур фоний, тафовут йўк ани  
Гар фано селобидин вайрону гар обод бил –

байтидаги “чунқим” газал воқелигидаги бировнинг мулоқотга қиришиб билдирган муносабатига таъкид ўлароқ мисрадан ўрин эгаллайди. Аслида, бу газалдаги “бил” радифининг ўзи газал воқелигидаги мутақаллим ва мухотаб ўртасида мулоқот кечаётганини билдиради.

Биз қузатаётган газалда мулоқотнинг шундай очик шакли байтлараро ўз ақсини топган. “Эй кўнгул, ер-кўк ақсин асру бевунёд бил, Ул кесакни сувда кўр, бу сафхани барбод

бил”, матлаъсининг ўзи ҳам мукаддам савол берувчи биров мавжудлигини тасдиқлайди. Мухбир газал вокелигида мукаддам ўтаётган хабардан вокифгина эмас, балки унга кўшимча равишда мухотаб учун янги хабарни айтмоқда. Ер-кўк асоси, аслида, бибунёдлигини билдириш билан кифояланмай, ерни кесакка, кўкни саҳифага киёсламоқда. Яна “бил” буйрук феъли билан газал вокелигида мавжуд бировга таъкидлаб кўймоқда. Бунда муктазои хол муктазои зоҳирга чиқарилган. Муктазои хол муктазои зоҳирни ўз ичига олади, лекин муктазои зоҳир муктазои холни камраб ололмайди. Бошқача айтганда, ҳар қандай зоҳир такозосида хол такозоси мавжуд, балки зоҳир такозоси хол такозосининг ичида юз беради, бироқ ҳар қандай хол такозоси зоҳирни такозо этмайди. Шунинг учун, аксар газалларда муктазои холнинг муктазои зоҳирга чиқарилмагани газал вокелигида кечувчи ички мулоқотни кўриш имконини кийинлаштиради. Холат такозоси эса, каломнинг хиссиёз, жонсиёз, ўликлар дунёсига эмас, аксинча, жонли мулоқотга киришувчи, калби уйғоқ, тирик инсонларга қаратилмоғини шарт қилади. Ана шундан муктазои холда таъкидлар, инкорлар пайдо бўлади. Иккинчи байтда эса, матлаъдаги тезис шаклидаги фикр давом эттирилади, айна пайтда, биринчи байтга қайтиш эҳтиёжини пайдо қилади. Ер-кўк асосининг аслида бибунёдлиги, яъни фалакда сузиб юриши ва уларнинг лаҳзада йўқликка юз тутиши мумкинлиги таҳайюлни қоинотдан инсон сари етаклайди. Фано селобидан гоҳ вайрон, гоҳ обод бўлган жисм уйи ҳам “асру бибунёд” ер-кўк қаби ўткинчи. Улар ўртасида, қатта замонда олиб қараганда фарқ йўқ. Ўз-ўзидан, газал вокелигидаги бировда, айна пайтда, ўқувчида ҳам савол тугилади. Мутақаллим учун ана шу саволнинг тугилиши муҳим. Бу саволнинг муктазои холини фақат шоиргина кўра олади ва газал вокелигидан бизга яна қутилмаган янги хабарни беради:

Тўрт унсур қайдидин то чиқмагайсен нафъ эмас,  
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Аввалги икки байтда етказилган хабар мухотабда қатор саволлар тугдиради ва бу саволлар қайсидир даражада мутақаллимда инкор этиш даражасига ўтиб боради. Аслида, мухбир ўз хабари билан мухотабга бир фойда – нафъ етказиши керак. Бу ўринда хабардан қандай нафъ борлигини сўрашни холат такозо этади. “...то чиқмагайсен нафъ эмас” деган сўз, ана ўша саволнинг мавжудлигига далолат. Осмоний тўрт дафтар – Забур, Таврот, Инжил, Қуръон. Тўрт унсур ва тўрт дафтар бир-бирига муқояса қилинади. Тўрт унсур – ҳаво, сув, тупроқ, олов. Инсон жисми мана шу тўрт унсурдан вужудга келган. Рух эса азалий маконида, ал-мийсоқда Роббисининг “Аласту би Роббикум!?” – Мен сизларнинг Роббингиз эмасманми!? — деган нидосига, “ҳа, Роббимизсан!” — дея жавоб берган. Сўнгра жисмга киритилган. Навоий “Аласт жомин ичиб маст”, деганда ал-мийсоқдаги ўша воқеага, мулоқотга ишора этади. Тасаввуф ахли рухий сайру сулуққа интилар экан, ана шу заминий тўрт унсур қишанларидан озод бўлиш истагида ёнади. Илохий тўрт қитобни ёдлаб олган тақдирда ҳам инсон бу тўрт унсур қайдидин (қишанларидан) қутулмоғи душвор. Бунинг учун илохий қитобни қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки моҳиятига етиш, тушуниш, ҳислар оламида яшаш, илохий сирни англаш лозим. Илохий қитобни ўқимаса, ёдламаса инсон қандай қилиб ҳақни танийди!? Ҳақнинг сифатларини қаердан билиб олади? Табиийки, бундай савол, юқорида айтилганидек, газал вокелигидаги бировда пайдо бўлади. Бировнинг саволи ниҳоят бу ерда келтирилади. Ана шу савол мавжудлигининг ўзи, бутун газал вокелигида мутақаллим

сўзларига жавоб берувчи ва савол берувчи биров борлигидан хабар беради.

Эйки дебсен, хакни не таърифунг васф ила билай.  
Васфдин мустагнию таърифдин озод бил.

Байтни гўзал санъатлигидан чиқариб, мансурлаштирсак бундай кўриниш юзага келади: ундай бўлса, Хакнинг таърифини ва васфини қаердан билиб оламан? Ахир, ўша тўрт осмоний китоб бизларга Яратганни танитмадимми? Сифатларидан хабар бермадимми? Наклий далилларга суянмаса, инсон ўз акли билан Хакни топтоғи махол. Шундай экан, Хакни танитадиган таърифунг сифатларсиз қандай қилиб Уни билиш мумкин? Газал воқелигида мавжуд бировнинг бундай инкор даражасидаги муносабати лирик қахрамоннинг юксак мақомидаги инкорий жавобини юзага чиқаради. “Васфдин мустагнию таърифдин озод бил”. Хак – Яратувчи шундай Зотки, У сифатга мухтож эмас, сифатдан беҳожат. Хар хил таърифлардан озод. Бундай тасаввур, фақат сўфиёна қалбга хос. Сўфий сифатларунг таърифларсиз Унинг ўзига етишиш орзусида яшайди. Унинг жамолини кўришни бошқа ҳамма нарсадан устун қўяди. Унинг зикри билан туну кун машгул бўлади. Ётганда ҳам, турганда ҳам Унинг зикри билан нафас олади. Табиийки, газал воқелигидаги бировда яна қатор саволлар тугилади: у холда, хакнинг сифатларини келтирувчи, ЛА ИЛАХА ИЛЛАЛЛОХ, деб таърифловчи малоиклар, Хак йўлига қирган валийлар нега мудом васфунг таъриф хақида сўйлайдилар? Нега улар эртаю кеч зикр билан машгул? Зикр ўзи нима?

Тенгри зикриким, малоикка гизойи рух эрур,  
Бу гизони хак йўлига қирган элга зод бил.

Яъни малоикларнинг рухий озукаси, Хак йўлига қирганларнинг зоди роҳиласи –сафар учун зарур саналган озик-овқат, анжомлари, энг керакли нарсаси, бу – Тангри зикри. Кейинги байтнинг харфи шарт маъносидаги сўз билан бошланиши, газал воқелигидаги бировда муайян диалогик муносабат пайдо этганига далолат қилиб турибди. Бу мулоқот қандай кечишини ижодкор шуурида хис этади ва тасаввурда жонлантиради. Газал воқелигидаги биров билан лирик қахрамонни бахсга қириштиради.

Гар хабибим қилса изхори қалом, эй пири дайр,  
Исийи Марямни ул дам гунги модарзод бил.

Агар хабибим гапирса, эй дайр пири, онадан тугилибок сўзлаган Исо ибн Марямни ўша дамда гапирмаган деб бил. “Хабибим” сўзини икки хил талқин қилиш мумкин. Биринчисига кўра, хабибимдан мурод – Яратувчи хак. Оллохнинг ўзи гапирганда Исони ҳам тугма соқов деб бил. Иккинчисига қелсак, Навоий “хабибим” сўзини кўпинча Пайгамбар алайхиссаломга нисбатан қўллайди. Бундан ташқари, мўминнинг мухаббати Оллохга ва Мухаммад алайхиссаломга хосланадики, бу мухаббатсиз мўминнинг иймони қомилликка етмайди. Қомил иймон эса, ана шундай ишқ ва ошиқликни тақозо этади. Демак, байтда хабиб хақида сўз қетган экан, газал воқелигида ишқ ва ошиқлик тўғрисида биров билан мулоқот қечади. Бу мулоқотнинг, қўйилган саволнинг жавоби ўлароқ кейинги байт дунёга келади.

Мантики ишк ичра ошикни тасаввур айла навъ,  
Фард бўлгонларни бу йўлда анга афрод бил.

Ишк мантики мантиксизликка бино килинади. У хар кандай мантикни тан олмайди. Унинг ўз мантики мавжуд. Ошик бу мантиксиз савдойиликлар ичра мантик топиб яшайди. Шайх Санъон ва муридлари ўртасида кечган мулокотни эслаш бу жойда ўринли. Хар бири Жунайду Боязиддай фард бўлган тўрт юз мурид ишк йўлида Шайхни тушуна олмай афродга айланди. Навоийнинг лирик кахрамони, аксар холларда, газалларда кайсидир тасаввуф шайхларини эсга солади. Навоий пиру муршидлар манокибларини бадиий асарларида синтезлаштириб юборади. Мулокот ишкка келиб такалган экан, лирик кахрамоннинг етуклиги, хабардорлиги газал вокелигидаги бировга яна-да таъкидлашни такозо этади. Ана шундан “тасаввур айла навъ”, “анга афрод бил” сўзлари тушунмаслик холига тушган бировга нисбатан ўта таъкидлаш даражасида айтилади. Байтдаги холат такозоси, кейинги байтда хам таъкид ва шархни талаб килади. Газал вокелигидаги биров талабига мувофик кейинги хабар юзага чиқади.

Эл оёгига тушардин бошка чикмок расмини  
Май куханпиридин ушбу дайр аро иршод бил.

Бу ўринда “бил” сўзи буйрук феъли эканлигини, балогат илмида эса, иншо деб аталишини айтиб ўтиш лозим. Иншо хабар эмас, балки буйрук. Лекин Навоий буйрук феълини хабар таркибига усталик билан сингдириб юборади. Натижада, кутилмаган хабарлар силсиласини бизга такдим этади. Бу жонли сўз, жонли диалогда бўй кўрсатган мулокотнинг шакли газал вокелигида савол кўйиш ва газал матнида жавоб бериш билан изохланади. Лирик кахрамон билан ижодкор ўртасида кўринмас иплар, богликликлар мавжудки, уларни ажратиб олиш жуда кийин. Газал вокелигидаги лирик кахрамон ва биров мулокотларини тушунишга йўл очади. Юкоридаги байтга шарх ўларок, биров талабига таъкид макомида келган кейинги байт Навоийнинг шариат харом килган майга муносабатини яна бир бор кўрсатади. Навоий учун реал май хеч қачон мақсад эмас, балки мақсад учун восита. Айни пайтда, сулук ахлининг сирни саклаш йўлидаги харакати, деб эътибор килиниши тўғривор бўлади. Мавжуд вокеликдаги ходисани кандай бўлса, шундайлигича тасвирлаб кўя қолиш Навоий каби улкан ижодкорлар учун хеч қачон биринчи планда турмаган. Бу байт тасвиридаги қадимдан май тайёрланиш жараёни ва эл оёгига тушиб, тепаланиб, кейин бошга уриб, мастлик холатини вужудга келтирувчи кўриниш, май ичишга иршод эмас. Иршод ўзни хор тутиб, паст олиб, зикр майини сипқоришгадир. Юксалиш хамиша куйидан бошланишига иршоддир. Табиийки, бундай мушохада, бундай мулокот газал вокелигидаги бировда савол тугдирмаслиги мумкин эмас.

Эй сулук ахли, қачон мақсуд топқумдур десанг,  
МосивАллохни фано кўрган кунинг мийъод бил.

“Эйки дебсен”, “Эй пири дайр” ва ниҳоят “Эй сулук ахли”. Газал тасвиридаги бу нидолар газал вокелиги нақадар кенг микёсларни камраб олишига яна бир далил. “Иршод” сўзи сулук ахлида мақсад ҳақидаги саволни пайдо этади. Бундай саволни кўя билиш ва саволга жавоб башарни ожиз қолдиради. “Тенгри зикри” билан тунларни тонларга

уловчилар – тунлари койимлар, кунлари сойимлар зикр ва риёзатдан хориб, бир лахза тинганларида “качон?” деган саволга жавоб излайдилар. Бу холни бошидан кечирган, фано макомига етган пешкадамларгина “Мосив Аллохни фано кўрган кунинг мийъод бил”, дея жавоб бера олади. Яъни Оллохдан бошка нарсалар йўклигини кўрган кунинг ўша максадга, ваъда килинган кунга етдим, деб бил. Сулук ахли Оллохдан бошка илох йўклигини таъкидлаб, зикрда давом этар экан, дунёвий воқелик: хотиралар, ўйлар, кечинмалар, танишлар, мухаббат можаролари, амал, бойлик ва хоказолар, буларнинг хар бири илохлик даъво кила бошлайди. Шавк ва хол кучлилигидан мурид буларнинг хаммасини йўклик сари суриб ташлайди. Маълум муддат ўтгач, бу нарсалар хам мурид калбида Оллох зикрини тиловат кила бошлайди. Лекин бу дегани, барча нарсалар ягона вужуд, вахдат ул-вужуд, дегани эмас, сўфийда кечувчи бир холат, деб эътибор килиниши керак. Сўфийнинг ботинида юз берувчи бу холат хакида гапиришдан тасаввуф ахли жуда эҳтиёт бўлган. Тарикат муршидлари эса бу хол ўткинчи эканини кўп таъкидлаган. Шунинг учун Навоий газалларидан бирида ёзади: “Сирри вахдат чун фано дайрида сигмас лафз аро, Невчун, оё, хонаках ичра туганмас айтилиб?”. Хаёт билан хамнафас тарикат йўлларида инсонлар яшаган. Жонли хаёт кўчаларида эса хамиша савол хам, жавоб хам топилган. “Мосив Аллох” тушунчаси газал воқелигидаги бировда “тавхид” ва “сирр” хакидаги саволларни пайдо этади ва ўша бировнинг муносабати ўларок, ўша муносабатдан соя бўлиб байтга кириб келади:

Эйки дебсенким, билай тавхид сирридин хабар,  
Шаръдин неким тажовуз айлади, илход бил.

Байтдаги иккинчи мисра газал воқелигидаги бировнинг саволига жавоб тарикасида вужудга келади. Шариатсиз осмонда учганлар, сув юзида юрганлар, билки шайтондир, деган сўфийлар шиори бу байтда ўз ифодасини топган. “Тавхид сирри”ни ифодалашга инсон лафзи ожиз. Шунинг учун хам Навоий ўзга бир газалида: “Нуктаи тавхидни билган кила олмас баён, Ким баён килдим деса, билгинки, килмайдур билиб”, дейди. Тавхид сирини билишга интилиш эмас, балки тавхидга эътикод килиш, тавхидга иймон келтириш, тавхидда яшаш керак. Газал воқелигидаги бировга таъкид ўларок айтилган иккинчи мисра, лирик кахрамони билан хамфикр шоирнинг тавхид хакидаги тушунчасини ифодалайди. Шариатдан чикмасдан, тарикатда яшаш, шариат ва тарикатни бир биридан айро кўрмаслик, айнан Навоий мансуб бўлган накшбандийлик тарикатининг йўли, ахли сунна вал-жамоа эътиқоди, ханафийлик мазхабидир. Нихоят газалдаги сўнгги байт, газал воқелигидаги бировга ўта таъкид даражасида, шоир, лирик кахрамон ва газал воқелигидаги бировнинг муктазои холини, айна пайтда, иъжоз макомидаги холат тақозосини зохирга чиқариш билан яқунланади:

Дўст васлин топмагон дунёу укбодин кечиб,  
Ушбу дардингга Навоий холин истишход бил.

Бу байтнинг бошида “Эй”, деган нидо харфи тушиб колган ва бу муайян тил ва шеър коидаларига асосан амалга оширилган. Демак, байтнинг мазмуни куйидагича: эй дунёу укбодан кечиб, дўст васлини топмаган, ўзингнинг бу дардингга Навоий холини хам гувоҳ, деб бил. Навоий хам сенга ўхшаб, дунё ва укбодан кечгану лекин хали дўст васлини топгани йўк.

Насрий баён шеърнинг жонини сугуриб олади. Унинг микёсларини, маком ва даражаларини соддалаштириб, хатто, айтиш мумкинки, йўкка чиқаради. Шунинг учун ҳам шеър мазмунини қайта хикоя қилиб берувчи шархлар порлаб турган гўзалликка соя ташлайди, холос. Биринчи байтда, яъни газал матлаъида ташланган тезис шаклидаги тасвир мактаъгача бирма-бир байтлараро камровини кенгайтириб борар экан, мактаъда ҳам тугалланмасдан очик холда қолади. Яъни газал вокелигида мулокот тўхтаб қолмайди. Ўн бир байтда нихоясига етган газал матни газал вокелигида башарни ожиз қолдириб, иъжоз макомига кўтарилади ва чексизликка қараб йўл олади. Газалдаги лирик қахрамон, биров ва вокелик ҳамда бу вокеликнинг қиска бир лахзаси тасаввурдаги макон ва замон тушунчаларидан чиқиб, жуда катта замон ва маконни қамраб олади. Қисмда бутун, лахзада замон акс этади. Ижодий материалдан ҳамиша юксакда турувчи Навоий даҳоси, айрим ижодкорлар қаби, нафакат бир-икки байтда, балки бутун газалда башарни ожиз қолдирувчи иъжоз макомига кўтарилади. Бундай иъжоз макомига кўтарилиш эса, газал вокелигида кечувчи жонли мулокотга, жонли сўзга бино қилинади. Иъжоз макомидаги сўз башарни ожиз қолдириш билан бирга энг жонли сўз ҳам ҳисобланади. Жонли сўз эса жонли мулокотда пайдо бўлади.

Аъзам Қозихўжа.